

ТУРКИСТОН МАТБУОТИДА МАРҒИЛОН ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ ТАЛҚИНИ (XIX аср охири – XX аср бошлари)

Ўрмонов Улугбек Адхамжонович

катта ўқитувчи, Фарғона давлат университети, Ўзбекистон, Фарғона ш.

Annotation: Ушбу мақолада 19-аср охири – 20-аср бошларида Марғилоннинг ижтимоий-иқтиносидий ва маданий тараққиёти масалалари кўриб чиқилган. Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, туб аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш муаммоларига алоҳида тўхталиб ўтилган. Мақола Туркистонда чоп этилган даврий нашрлар материаллари асосида ёзилган бўлиб, манба сифатида кўриб чиқилаётган даврнинг турли йиллари бўйича “Фарғона вилояти шарҳлари” ҳақида маълумотлар келтирилган.

Keywords: Хайрия, вақф мулки, Туркестанские ведомости, сув, Марғилон, юқумли касалликлар, шифохона, бемор, матбуот, мактаб, мадараса.

КИРИШ

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида Туркистонда чоп этилгаи газеталарнинг сахифаларида Туркистоннинг ижтимоий-иқтиносидий ва маданий жараёнларни, шу жумладан Марғилондаги ушбу жараёнларни ёритувчи мақола ва хабарлар мавжуддир. Бу маълумотлар Марғилон тарихини ёритишдаги мухим манба бўлиб хизмат қиласди, чунки даврий матбуотда эълон қилинган материаллар муаллифлари воқеалар иштирокчиси ва гувоҳи бўлганлар бундан ташқари уларда ўша давр руҳияти сезилиб туради.

АСОСИЙ ҚИСМ

Газета сахифаларидаги маълумотлардан билиш мумкинки, ўша даврда Марғилоннинг бой одамлари камбағал ва бечораларга, ногиронларга ёрдам бериш учун турли хайрли ишларни амалга оширганлар. “Туркестанские ведомости” газетасига Марғилондан жўнатилган мухбир хабарида кўрсатилишича, 1899 йил 22 ноябрида “эски” Марғилонда маҳаллий аҳоли ногиронлари учун бошпана очилган [5: №87, 94]. Бу бошпанани очишида маҳаллий аҳоли катта ҳисса қўшган эди, бунинг учун улар томонидан турли тадбирлар амалга оширилган эди. Хусусан, 10 октябрда Хўжа Магиз қишлоғида хайрия тадбири ўтказилган ҳамда бу тадбирдан тушган маблағ бошпана ташкил этиш учун ишлатилган. Бу савоб ишни амалга оширишга ҳаракат қилган маҳаллий аҳоли томонидан ҳаммаси бўлиб 4692 руб. 57 коп. тўпланган. Бундан ташқари, улар томонидан бошпанани таъмирлаш учун яна 500 руб. берилган [5: №87, №94]. 50 нафар кишига мўлжалланган бу бошпана Худоёрхоннинг акаси Сайд Мавлонбекка тегишли ерларда (Россия империяси босқинидан кейин ер ва давлат мулклари бошқарма тасарруфига ўтиб кетган) ташкил этилган. Марғилондаги бундай савобли ишларга яна бир бор тўхталиб ўтсак. Халққа меҳр-муруват кўрсатиш учун 1873 йилда ташкил этилган Шораҳматулла эшон хонақоси номидаги қашшоқ ва ногиронлар бошпанаси тақдири ҳақида ҳам Марғилондан



мухбир хабар берган. Бу бошпана ўз масжидига ва мактабига эга бўлган ҳамда вақф мулкларидан келадиган маблағ ҳисобига яшаган. 1906 йилга келиб, меросхўрлардан бири бу вақф мулкидаги ўз улушкини олиш мақсадида Куба халқ судига мурожаат қилган эди. Шорахматулла эшоннинг ўғли масжид мутавалийси вақф мулкини халқ суди қўриб чиқа олмаслигини бир неча бор таъкидланган [9: №21]. Мерос бўлиниб, ерлар сотиб юборилса бошпанада яшаётганлар ахволи танг бўлиб қолар эди.

“Туркестанские ведомости” газетаси мухбирлари 36.645 нафар аҳолига эга бўлган [9: №21] “эски” Марғилон шаҳрида рўй бераётган воқеалар ҳакида ёзар экан, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш масаласига ҳам тўхталган. Шундай хабарлардан бирида ёзишича, шаҳар аҳолиси Шоҳимардонсойдан сув ичганлар, ҳовли ва масжидларда ҳовузларга сувлар тўлдириб қўйилган, ҳовуздаги сув узоқ туриб қолиши натижасида унда турли заарли ҳашаротлар кўпайиб, ичишга яроқсиз бўлиб қолса-да, аҳоли тоза ичимлик суви етишмаганлиги туфайли шундай сувни ичишга мажбур бўлган. Ичимлик суви танқислиги масаласини ҳал қилиш мақсадида бир неча масжидлар ҳовлисида қудуклар қазилиб, оз бўлса-да ҳалкни сув билан таъминлашга муваффақ бўлинган [5: №61]. Лекин бундай тадбирлар аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш муаммосини ҳал қила олмас эди. Бу эса ўз навбатида бошқа муаммоларни ҳам туғдирган, хусусан Марғилон ҳалқи орасида турли юқумли касалликларнинг кенг тарқалишига олиб келган сабаблардан бири бўлган. 1892 йилда хақиқий оғатга айланган вабо касалидан факат “эски” Марғилон шаҳри аҳолисидан 483 нафар киши вафот этган, умуман Марғилон уездидан бу касалга гирифтор бўлган 1142 нафар кишининг ёстиғи қуриган [11: №101].

Бундан ташқари Марғилонда оғир юқумли касалликлардан безгак, қизамиқ, бўғма ва чечак (оспа) касалликлари ҳам кўп учраган. Бу даврда аҳоли орасида чечакка қарши европача усулда эмлаш ишлари олиб борила бошланган. Россия империяси босқинига қадар ҳам Туркистонда маҳсус тайёрланган кишилар томонидан эмлаш ишлари олиб борилган. XIX асрнинг 90-йилларида Марғилон уездидан 4 нафар европача усулда эмловчилар бўлиб, 1892 йилда улар томонидан 2007 киши чечак касалига қарши эмланган ҳамда бу эмловчилар маҳаллий аҳолининг ўзидан тайёрланган [2: 79-б].

Марғилон аҳолиси орасида кенг тарқалган касалликлардан бири букоқ касали бўлиб, бу касаллик билан 1891 йилда “эски” Марғилон шаҳри аёллар ва болалар шифохонасига 663 нафар аёл ва 193 нафар болалар мурожаат қилишган [1: №86], агар шифохонага тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилмаган беморлар ҳам эътиборга олинса, бу ерда букоқ хақиқатдан ҳам кенг тарқалганинги тасаввур этиш мумкин.

“Эски” Марғилонда эркаклар шифохонаси ҳамда аёллар ва болалар шифохонаси мавжуд бўлиб, ҳалққа тиббий ёрдам кўрсатган. Туркистон ўлкасидаги шароитни ҳисобга олган ҳолда Тошкент, Самарқанд, Хўжанд, Андижон шаҳарларидағи каби “эски” Марғилонда ҳам 1886 йилда маҳаллий аёллар ва болалар амбулаторияси ташкил этилган. Бу шифохона давлат томонидан маблағ ажратилмаганлиги туфайли 1905 йилгача эски, таъмирга муҳтож бинода жойлашган, бир неча йиллик лойиҳа ишларидан сўнг 1905 йилда амбулатория учун янги бино қурилган. Шифохонанинг ходимлари факат аёллардан иборат бўлган, мудира олий маълумотли врач аёл бўлиб, айниқса бир неча йил мудира бўлиб хизмат қилган фон Зигерн Корн фаолиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак, бу врач аёл маҳаллий аҳолининг ишончини қозониб ҳалқ соғлигини сақлаш ишида жонбозлик кўрсатган. Мудирадан ташқари амбулаторияда 2 нафар фельдшер ҳамда таржимон хизмат қилган. Шифохонага тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилувчи беморларнинг сони йилдан йилга ошиб борган ва 1905 йилга келиб бир йил ичida 10000 нафар беморга тиббий ёрдам кўрсатилган [8: №55]. Тиббиёт ходимлари



фақат амбулатория шароитида эмас, балки зарур вақтда беморнинг уйига ҳам ташриф буюришганлар. Марғилондаги аёллар ва болалар шифохонасининг йиллик ҳисоботи “Туркестанские ведомости” газетаси саҳифаларида чоп этилган ва кўпчилик эътиборига хавола қилинган [1: №82, 86, 90]. Бу ҳисоботларда тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилганларнинг сони, қандай касалликларга чалингани, касаллик сабаблари ҳамда унинг олдини олиш чоралари кўрсатиб ўтилган. Ҳажм жиҳатдан катта бўлиб, газетанинг бир нечта сонларида ва бир неча саҳифаларида бериб борилган. Ҳисоботлардан маълум бўлишича, аҳоли орасида турли касалликлар кенг тарқалишининг асосий сабаблари уларнинг қашшоқлигидан, энг зарур озиковкат маҳсулотларни истеъмол қилмаслигидан, тоза ичимлик суви етишмаслигидан, давлат томонидан тиббий соҳа учун керагича маблағ ажратмаслигидан, шунингдек аҳоли ўртасида тиббий маданият етарли даражада эмаслигидан келиб чиқкан.

МАВЗУНИНГ ЎРГАНИЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ

Шуни таъкидлаш жоизки, Марғилонда тиббий ёрдам кўрсатиш муассасалари ташкил этилган бўлса-да, тиббий ходимларнинг сони аҳолининг ҳамма қисмини қамраб олиш учун етарли бўлмаган. Масалан, “эски” Марғилон шахридаги эркаклар учун очилган шифохона мудири бир вақтнинг ўзида Марғилон уезди врачи вазифасини ҳам бажарган. Уезд аҳолиси 300 минг киши бўлғанлигини ҳамда улар 13210 квад. верст майдонда яшаганлигини ҳисобга олганда уезд врачининг bemорларга тиббий ёрдам кўрсатишга умуман вақти қолмаганлигини тушуниш мумкин. Бунинг устига унинг зиммасига уезддаги суд - медицина эксперти ишларини ҳам амалга ошириш юклатилган. “Эски” Марғилондаги эркаклар шифохонасига эса камдан кам келган, бу шифохонада асосан 2 нафар фельдшер ёрдам сўраганларга тиббий хизмат кўрсатган. Марғилон шахридаги бундай ҳолатдан норози бўлган “Туркестанские ведомости” газетаси мухбири 1902 йил 27 январь сонида таъкидлашича, шаҳар бошқармасининг бир нафар шаҳар врачи тайинлашга моддий имкони бўлган ҳолда бу ишга маблаг ажратмаган [6: №8].

Шундай қилиб, XIX асрнинг охирида Марғилонда асрлар мобайнида ҳалқ фойдаланиб келган шарқ табобати билан ёнма-ён европача услубдаги тиббий хизмат кўрсатиш муассасалари вужудга келган ва ҳалққа тиббий ёрдам кўрсата бошлаган. Бундан ташқари, XX аср бошларида Марғилонда ҳам хусусий тиббий хизмат йўлга қўйила бошлаган, тибиёт ходимлари газеталар орқали ўз хизматлари ҳақида эълонлар бериб борган. Бу эълонларда аҳолининг камбағал қисмига бепул хизмат кўрсатиш таъкидлаб ўтилган [10: №61].

XIX аср охири – XX аср бошларида Марғилон ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришлардан бири бошқа шаҳарларга транспорт воситалариниг қўйилиши бўлган. 1906 йил 18 июнданги “Фергана” газетаси хабарига кўра, “эски” Марғилондан Намангандаги шахрига бориш учун дилижанс (йўловчи ва почта ташийдиган арава.) қатнаган ҳамда бу икки шаҳар орасидаги масофа 8 соатда босиб ўтилган.

Даврий матбуот саҳифаларида Марғилон ижтимоий ҳаётидаги масалалардан ташқари иқтисодий масалаларга, хусусан қишлоқ хўжалиги ва саноатга доир маълумотлар ҳам учраб туради. 1902 йил 10 февралидаги “Туркестанские ведомости” газетаси хабарига кўра, Марғилон уездининг Сурхтепа қишлоғида икки йил аввал Қори Саримсоқов томонидан ташкил этилган ёғ-мой ишлаб чиқариш корхонаси 1902 йил 20 январда янги техника асосида қайта жиҳозланган [6: №12]. Қайта жиҳозлаш учун “Столь и К” инглиз америка ширкатининг гидравлик пресси ва бошқа ускуналар Воронеж шахридан келтирилган бўлиб, уларнинг нархи 15000 рублни ташкил этган. Бу заводда 6 нафар киши хизмат қилган ва суткасига 300 пуд пахта уруғидан 25 - 30 пуд тоза пахта ёғи ишлаб чиқарилган.

XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Марғилонда кечеётган маданий жараёнлар ҳам газета мухбирлари эътиборидан четда қолмаган. Маориф соҳасидаги амалга оширилаётган



ишлар ҳақида тўхталар экан, “янги” Марғилонда ўғил болалар билим юрти, қизлар билим юрти ҳамда черков қошидаги қизлар учун очилган бошланғич мактабда болалар таълим олган бўлса, [8: №55] “эски” Марғилон шаҳрида 1 та рус-тузем мактаби ва мадрасаларда маҳаллий аҳоли болалари таълим олишган. Марғилон уездидаги 57 та мадраса, 19 та қориҳона ва 434 та мактабхона мавжуд бўлган [3: 56-6].

Халқка ўз таъсирини ўтказишнинг йўлларидан бири улар орасида рус тилини ёйиши эканлигини тушунган хукумат аъзолари ҳатто баъзи мадрасаларда ҳам рус тили дарсини киритишга муваффақ бўлган. Куванинг Мадалихон мадрасасини бунга мисол қилиб келтириш мумкин [7: №12]. Албатта хукумат биринчи навбатда аҳолиси асосан руслардан иборат бўлган “янги” Марғилонни ривожлантиришга ва бу ерда маданият ўчокларини ташкил этишга ҳаракат қилган. Шаҳар бошқармаси томонидан бу ерда кутубхона ташкил этилган бўлиб, йилига кутубхонани моддий таъминлаш мақсадида 1200 рубль ажратиб турилган [4]. Ундан ташқари, Туркистонга Россиянинг турли шаҳарларидан келган театр труппалари ва маданият ходимлари намойишлари “янги” Марғилонда ҳам ўз томошоларини кўрсатганлар. Ҳаттоқи, “Фергана” газетаси сахифаларида аҳоли сотиб олиши учун дунёга машҳур Беккер рояллари ва Смидт ҳамда Вегенер пионинолари реклама қилинган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда чоп этилган даврий матбуот сахифаларида Марғилонда рўй берган ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар учраб туради, айниқса ижтимоий ҳаётдаги воқеалар иштирокчилари ҳамда гувоҳлари томонидан ёзилган қизиқарли маълумотлар Марғилон тарихини ёритишга хизмат қиласи. Марғилон халқининг меҳр-мурувват кўрсатиши мақсадида амалга оширган ишлари ҳақидаги хабарлар эътиборга моликдир.

ХУЛОСА

Бундан ташқари, Марғилон маҳаллий аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатиши масалалари даврий матбуотда ўз аксини топган. Матбуот материалларида аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг европача усули кириб келганлиги эътироф этилади, бу соҳада амалга оширилган ишларнинг ютуқлари билан бирга камчиликлари ҳам кўрсатиб ўтилади. Марғилонда аёллар ва болалар шифохонасининг ташкил этилиши, унинг амалга оширган ишлари ютуқ сифатида кўрсатилса, тиббий хизмат кўрсатиши муассасалари ходимлари аҳолининг ҳамма қисмини қамраб олиш учун етарли эмаслиги камчилик деб ҳисобланган.

Манбалар ва адабиётлар:

1. Извлечение из отчета Маргеланской амбулаторной лечебницы для туземных женщин и детей за 1891 г. // Туркестанские ведомости. – 1893. – №82, 86, 90.
2. Обзор Ферганской области за 1897 г. – Нов. Маргелан, 1899. – 79 с
3. Обзор Ферганской области за 1898 г. – Нов. Маргелан. 1900. – 56 с
4. Самарканд. – 1905. – 8 январь.
5. Туркестанские ведомости. – 1899. – № 61, №87, №94.
6. Туркестанские ведомости. – 1902. – №8, №12
7. Туркестанские ведомости. – 1904. – №12
8. Туркестанские ведомости. – 1905. – № 55.
9. Туркестанские ведомости. – 1907. – № 21
10. Фергана. – 1906. – №61.
11. Холерная эпидемия в Туркестанском крае в 1892 г. // Туркестанские ведомости. – 1893. – №101.
12. Salieva, N., & Saliev, U. (2021). Women In Medicine-Gender Aspects. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(05), 292-295.



13. Sadikovna, S. N. (2021). The role of the family in the upbringing of young people. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 11(1), 1461-1466.
14. Салиева, Н. С. (2021). Педагогическая деятельность и педагогическое мастерство руководителя группы. *Молодой ученый*, (17), 292-294.
15. Ўрмонов, У. (2022). Вопросы борьбы с болезнями скота в Туркестане.(Конец XIX–начало XX). *Актуальные проблемы истории Узбекистана*, 1(1), 383-389.
16. Adhamjonovich, U. (2022, November). INFORMATION ON ANIMAL HUSBANDRY IN TURKESTAN (LATE XIX–EARLY XX CENTURIES). In *Proceedings of International Educators Conference* (Vol. 1, No. 2, pp. 89-95).
17. Adkhamjonovich, U. U. B. (2023). A Look at the Veterinary History of Turkestan in the Late 19th-Early 20th Centuries. *International Journal of Formal Education*, 2(5), 81-84.
18. Urmonov, U. (2021, June). Role Of Livestock And Livestock Products In Domestic And Foreign Trade Of The Ferghana Valley (Late Xix-Beginning Of Xx Century). In *Конференции*.
19. Urmonov, U. (2021). Role Of Livestock And Livestock Products In Domestic And Foreign Trade Of The Ferghana Valley (Late Xix-Beginning Of Xx Century): <Https://Doi.Org/10.47100/Conferences.V1i1.1261>. In *Inresearch Support Center Conferences*.
20. Ahmedbekova, M. (2022). THE IMPORTANCE AND SIGNIFICANCE OF THE DEVELOPED ARTISTIC AND AESTHETIC CREATIVITY OF THE YOUNG GENERATION AND FINE ARTS IN SOCIETY. *Science and Innovation*, 1(8), 112-119.
21. Ахмедбекова, М. К., & Дадажонова, М. Ё. (2022). Мутахассисни Касбий Тайёрлаш Жараёнини Моделлаштириш. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 183-194.
22. Maxpuzakhon, A. (2022). Methods of Using Modern Pedagogical Technologies in Organizing Fine Arts Lessons. *American Journal of Social and Humanitarian Research*, 3(11), 268-271.
23. Mahpuza, A., & Rahmatjonzoda, A. (2022). THE USE OF MODERN PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN MATHEMATICS LESSONS IN ELEMENTARY SCHOOL. *European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*, 2(11), 213-217.
24. Zulfiya, B., Rakhmonali, S., Murodjon, K., & Makhpuzakhon, A. (2021). Drawing Tools And Design Elements In Geometric Drawing. *Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry*, 12(10).
25. Kaxxarovna, A. M., & Qizi, D. M. Y. (2022). EFFECTIVE ORGANIZATION OF CLASSROOM ACTIVITIES IN GENERAL SECONDARY SCHOOLS. *International Journal of Early Childhood Special Education*, 14(6).
26. Ismoilxon o‘g‘li, E. O., Ergashevich, S. I., & Isroilovich, X. R. S. (2022). TOIFALANGAN OB’EKTLARDA AXBOROTNI HIMOYA QILISH TIZIMLARI VA VOSITALARI. *Journal of new century innovations*, 11(1), 100-109.
27. Igamberdiyev, H. Z., Sotvoldiev, H. I., & Mamirov, U. F. (2021). REGULAR ALGORITHMS FOR ADAPTIVE IDENTIFICATION OF LINEAR NON-STATIONARY SYSTEMS. *Chemical Technology, Control and Management*, 2021(6), 49-54.
28. Igamberdiev, H. Z., Sotvoldiyev, H. I., & Mamirov, U. F. (2022, December). Stable control algorithms for non-stationary objects based on game methods. In *Journal of Physics: Conference Series* (Vol. 2373, No. 7, p. 072048). IOP Publishing.
29. Yuldashev, K. T., Tillaboyev, A., & Komilov, A. (2020). XI Sotvoldiyev Transition photoelectric processes in a superfluid gas-discharge cell with semiconductor electrodes. *Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10.



30. Khurshidjon, Y., Azamjon, T., Abdullajon, K., & Xusniddin, S. (2020). Transition photoelectric processes in a superfluid gas-discharge cell with semiconductor electrodes. *Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(5), 100-109.
31. Igamberdiev, H. Z., Yusupov, E. A., Sotvoldiev, H. I., & Azamxonov, B. S. (2019, August). Sustainable algorithms for the synthesis of a suboptimal dynamic object management system. In *International Conference on Theory and Application of Soft Computing, Computing with Words and Perceptions* (pp. 902-907). Cham: Springer International Publishing.
32. Tadzhiev, A. A., & Sotvoldiev, K. I. (2004). The connection of {beta}-boron crystal structure peculiarities with peculiarities of its electrical properties; Svyaz'osobennosti kristallicheskoy struktury {beta}-bora s osobennostyami ego ehlektricheskikh svoystv.
33. Karimova, G. Y. (2023). THE IMPORTANCE OF THE FORMATION OF CIVIC ENGAGEMENT AND SOCIAL ACTIVITY AMONG YOUNG PEOPLE. *Gospodarka i Innowacje.*, 41, 563-570.
34. Каримов, Ў., & Каримова, Г. (2021). Ахборот Оқими Ва Ахборот Маданиятининг Шакланиш Тенденциялари. *Scientific progress*, 2(3), 743-750.
35. Rasulova, A., & Karimov, U. (2022). Socio-Pedagogical aspects of the formation of reading culture and skills. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(4), 114-118.
36. Abduraxmonova, M. M., & Turgunboyev, A. F. (2023). AHOLIGA SIFATLI IJTIMOIY XIZMATLAR KO 'RSATISHDA JAMOATCHILIK FIKRIGA TAYANISH SAMARADORLIGI. O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMY TADQIQOTLAR JURNALI, 2(22), 192-200.
37. Боротов, А., & Каримова, Г. (2023). Конституция и законодательный акт. *Вестник Ошского государственного университета. Право*, (1 (2)), 1-5.
38. Khusanov, S. (2022). Historiography of the problem of record keeping and archival affairs of the Khiva khanate in the XIX-early XX centuries. *Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities*, 12(6), 93-98.
39. Khusanov, S. (2022). Khiva madrasahs. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(6), 107-111.
40. Khusanov, S. (2021). Qozikhona and religious rule in khiva khanate in the beginning of xix-xx centuries. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 10(12), 758-763.
41. Xusanovich, X. S. (2022). XIVA XONLIGIDA XIX-XX ASRNING BIRINCHI CHORAGIGA QADAR DAVRIDA ARXIV ISHI VA UNING O 'RGANILISHI. *Research Focus*, 1(3), 94-98.
42. Xusanov, S. (2023). KATTA FARG 'ONA KANALI QURILISHI TARIXIGA NAZAR (NOYOB ARXIV HUJJATLARI ASOSIDA). *European Journal of Interdisciplinary Research and Development*, 16, 425-429.

